

I.2353347- СОН  
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари, яқка тартибдаги тадбиркор ва қонун ҳужжатларига кўра, юридик шахсни ташкил этмасдан фаолият юритувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа шиттирокчилари) учун*

Тошкент ш.

2022 йил " 5 " 01

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матида – Компания деб юритилади) номидан 2021 йил "30" декабрдаги №27-01-14/6020 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "ЎзМобайл" филиали директори Фахрутдинов С.С., бундай буён "Оператор" деб номланувчи, бир томондан ва Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи расм А. Қоджаев, бундай буён "Абонент" деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матида – Шартнома деб юритилади) куйидагилар ҳақида тuzдилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [www.uztelecom.uz](http://www.uztelecom.uz) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади:

- Оператор томонидан кўрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Даствлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцентини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Даствлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишда умумэтироф этилган маданиятга амал қилинган ҳолда, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига кагъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб 100 (юз) фойз миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор улашида Абонент тўлови 100 (юз) фойз миқдорида олдиндан тўланади. Даствлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига а (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 60000000 (оттими миллион) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўнимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент кейинги ҳисоб-китоб даври (ҳисобот ойи) бошлангунга қадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фойз шarti билан хар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида кўрсатилган Операторнинг шахсий ҳисоб рақамларига пул маблағларини кўрсатилган Хизматлар ҳисобига олган ҳолда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларини а мувофиқ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун несталмаган тўловларнинг олдини олишни исгаеса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топширишни керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор Хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарибмайди.

19  
05.01.2025

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар, Шартномага мувофиқ Хизмат учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган Хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн)** иш кун ичида мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва Хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангандирлиги тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширилади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бунидан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишимовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.


5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишимовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартномани амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солиш қонуни ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироз қилиш ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашнинг чораларини кўрилади.

6.2. Мазкур Шартномани амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг шартномаси қўл остида қилинган кўриқларнинг ҳисоб-фактура билан тақдим этилиши шарт.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоятномаси билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мувожабот кўриб чиқиш учун кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мувожаот муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.



#### 7. Якуний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланганлиги, ушбу Шартномага ёки Офертага назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайдан бошлаб, кучга кирилади ва 20 **22** йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади ва 20 **22** йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шакlining ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахлари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (хар бир Томон учун битта нусхалан берилади).

#### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:


**Оператор:**  
"ЎзМобайл" филиали "Ўзбектелеком" АК  
Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёкор йоқ кўчаси, 8 уй  
СТИР: 203366731  
МФО: 00401  
ИФУТ: 61100  
Х/р: 20210000104074838676  
"Алокабанк" АТБ  
Тел.: 998367757  
e-mail: [corp@uztelecom.uz](mailto:corp@uztelecom.uz)

**Абонент:**  
Мижоз: Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси  
Манзил: Ўзбекистон г.Ташкент Шайхонтоҳурский район,  
UZBEKISTAN Tashkent City Shaykhontohur District Навои 69  
Банковские реквизиты: л/с 400110860262777084200137015 р/с  
23402000300100001010  
МФО: 0001441110111111  
ИНН: 2009-5348  
Тел.:  
e-mail:



А. Кадожаев

М.Ў.



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RSIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 10-000240

№ 004060

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma

"O'ZBEKTELEKOM"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Ochiq aksiyadorlik jamiyati

THSHT (OΠΦ)

1150

Aksiyadorlik kompaniyasi

MSHT (ΦC)

144

Mulkchilik shakli:

Aksiyadorlar

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY

MHBT (COATO)

1726266

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (OKΠO)

17820078

Asosiy faoliyat turi:

Elektr va radio aloqasi

XXTUT (OKOHX)

52300

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (ИИИ)

203366731

Qo'shimcha ma'lumotlar:

AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10 AVGUSTDAGI1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN

Vakolatli organ boshlig'i:

S.M. Tairshikov



LITSENZIYA  
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005717

Litsenziya turi Типовая  
Вид лицензии

Berilgan sana 03 ноября 2015 г.  
Дата выдачи

Litsenziyaning amal qilish muddati: 03.11.2015г. dan 03.11.2030г. gacha  
Срок действия лицензии: с по

Litsenziatning nomi: Акционерная компания «О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ»  
Наименование Лицензиата:


г.Ташкент, Юнусабдакский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001  
в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari  
Адрес и банковские реквизиты Лицензиата

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI  
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей  
подвижной радиотелефонной (сотовой) связи

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ  
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ



Rahbarning imzosi:

Подпись руководителя:

Litsenziyaning amal qilish muddati: \_\_\_\_\_ dan \_\_\_\_\_ gacha uzaytirildi  
Срок действия лицензии продлен: с по

М.О:  
М.П.

Rahbarning imzosi:

Подпись руководителя:

Litsenziyaning amal qilish muddati: \_\_\_\_\_ dan \_\_\_\_\_ gacha uzaytirildi  
Срок действия лицензии продлен: с по

М.О:  
М.П.

Rahbarning imzosi:

Подпись руководителя:



(Ilova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)  
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 435